

САРМИШСОЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Умиджон Ортиқович НАРЗУЛЛАЕВ

доцент

Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Сармишсой меросининг тарихий-маданий аҳамияти, мазмуни, услуб хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ёдгорликнинг археолог ва тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши ва фанга киритилиши ёритилган. Ҳозирги кунда Сармишсой меросини авлодларга қолдириш, уни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Сармишсой, Қораунғурсой, Биронсой, қоятош расмлари, петроглиф, тош ва бронза даврлари, Қизилқумнинг мингдан бир мўъжизаси, Халқаро археологик экспедиция.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ НАСЛЕДИЯ САРМИШСАЯ

Умиджон Артыкович НАРЗУЛЛАЕВ

доцент

Доктор философии (PhD) по историческим наукам

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

Аннотация

В данной статье автор освещает историческое и культурное значение наследия Сармишсая, акцентируя внимание на его содержательных и стилистических особенностях. Также освещено изучение памятника нашими археологами и историками и включение его в науку. Проанализирована работа, проводимая в настоящее время с целью сохранения наследия Сармишсая для будущих поколений.

Ключевые слова: Сармишсай, Караунгурсай, Биронсай, наскальные рисунки, петроглифы, каменный и бронзовый века, одно из тысячи чудес Кызылкумов, Международная археологическая экспедиция.

Навоий вилояти ҳудуди инсонлар қадимдан истиқомат қилган маконлардан ҳисобланиб, бундан қарийб юз минг йиллар муқаддам ўзлаштирилгани олимлар томонидан исботланган. Меҳнат қуроллари ва ҳўжалик анжомлари учун зарур бўлган тоғ жинслари: чакмоқтош, кварс, оҳақтош ва бошқа минералларга бой конларнинг мавжудлиги, сув манбалари етарли миқдорда борлиги бу манзилни яшаш учун танлашда катта аҳамиятга

эга бўлган. Яна бир муҳим томони шундаки, водийнинг икки томонида тоғ этаклари, ғорлар, унгурлар, қоя ости коваклари кўп бўлиб, улар ибтидоий одамлар учун табиий бошпана вазифасини ўтаган. Зарафшон водийсининг тоғ олди ҳудудлари ва даштлари фаунаси жуда бой бўлгани учун ибтидоий одамлар бу ердан барча турдаги истеъмол маҳсулотларини топа олганлар. Академик А. Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, ўтказилган тадқиқотлар ва кузатишлар Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган кенг бу ҳудудда аҳоли ўрта тош даврининг Мустье (мил. авв.150–140 минг йиллар) босқичидан бошлаб яшаб келганини кўрсатган. Жумладан, Навбахор тумани ҳудудидаги Учтут мавзеидан топиб ўрганилган Мустье даври чакмоқтоши синдириб олинган хом ашё кони-сангбур, тош қуроллари яшаш устахонаси ва ибтидоий одамлар макони ҳамда Сармишсой ва Бийронсой бўйлаб жез (бронза) давридан бошлаб то илк ўрта асрларгача ўтган узок минг йилликлар мобайнида қадимги овчи ва подачиларнинг қояларга ўйиб туширилган турли мазмундаги тасвирлари ҳамда ов манзаралари каби осори атиқалари мисол бўла олади [1]. Бинобарин, Сармишсой дарасидаги қоятош суратлари Навоий вилояти заминида яшаган қадимги инсонларнинг маънавияти ва маданиятидан дарак беради.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тоғлиқ ва тоғ олди ҳудудларида 100 дан ортиқ қадимий қоятош суратлари бўлган жойлар мавжуд. Шулардан бири бўлган Сармишсой қоятош ёдгорлиги ўзининг мазмуни, мавзуси, услуб хусусиятлари ва тузилишига кўра ранг-баранглиги дунёда эътироф этилган бўлиб, Соймалитош, Ангара, Лена, Байкалорти, Амур, Урал, Карелия, Гобистон, шунингдек Африканинг Саҳройи Кабир, Испания (Алтамир ғори) ва Франциядаги қоятошларга ишланган суратлардан сира қолишмайди. Ватанимиз тарихининг ноёб ёдгорлиги, Сармишсой табиий-тарихий ёдгорлиги илк цивилизациянинг бошланғич нуқталаридан бири сифатида тавсифланади. Сармишсой қоятош тасвирлари табиий тарихий ёдгорлиги Ватанимиз тарихининг хилма-хил ёдгорликлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Қоятошларда Зарафшон воҳасидаги бой ҳайвонот дунёси ва аجدодларимизнинг илк тасвирий санъат намуналари битилган. Аجدодларимиз томонидан қоятошларга ўйиб муҳрланган бу ажойиб ёдгорликлар келажак авлодга юртимиз тарихининг энг қадимги даври тарихидан баён этади. Сармишсой қоятош тасвирлари Х. Муҳаммедов томонидан 1958 йил аниқланган [2]. Сармишсой Қоратоғнинг жанубий ён бағрида, Навоий шаҳридан 40 чақирим узоқликда жойлашган. Сармишсой шимоли-шарқий томондан Оқтоғ тизмасининг қисқа адир ва қирликлари билан туташиб кетган. Табиати мўътадил иқлим минтақаси бўлиб, тоғлик ҳудуд ҳисобланади.

Бу петроглифларни биринчи бўлиб Н.Тошкентбоев илмий тадқиқ этди [3]. 1969 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва Археология институти қошида А. Кабиров бошчилигида республика қоятош расмларини ўрганиш махсус отряди тузилган. Бу отряд 1969–1972 йилларда Сармишсойнинг ўрта қисмида 6–7 км масофада унинг асосий расмлари жойлашган қисмини ўрганган. Дала ишлари вақтида Қоратоғ оралиғидаги Тонготар, Биронсой, Ғўртут (Гўртут), Қиличлик, Тойтуёқ, Қорачарвоқ, Умартол, Отчопган ва Найчаликсой дараларидан қадимий қоятош суратларининг янги-янги масканлари топиб, текширилган ва ўрганилган. Археолог А.Кабиров Сармишсой қоятош тасвирларини батафсил атрофлича тадқиқ қилди[4]. А. Кабировнинг бу ерда дала мавсумларида олиб борган бир неча илмий изланишлари туфайли энг қадимги одамлар, уларнинг машғулотлари, бой ҳайвонот дунёси, бир қатор диний, афсонавий ва турли хил расмлардан иборат 3 мингдан ортиқ тасвирлар ўрганилди. Унинг тадқиқотлари асосида “Сармишсой қоятош тасвирлари” номли археология, санъат тарихи учун қимматли илмий тадқиқот натижаси бўлган монография чоп этилди. Монография узоқ йиллар давомида Сармишсойни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, дунёнинг бошқа қоятош тасвирларини қиёсий ўрганиш асосида юзага келган. Бу китобнинг қиммати шундаки, Сармишсой қоятош тасвирлари илк бор батафсил илмий асосда тавсиф қилинди. Ҳар бир

қоятош тасвири илмий тадқиқот объекти бўлди. Муаллиф қоятош тасвирларини мифологик, диний, санъат тарихи нуқтаи назаридан очиб беришга интилан. Фикримизча, А.Кабиловнинг бу китоби ўлка тарихини ўрганишда тарихчилар, археологлар санъат тарихи учун бой маълумот берадиган қимматли манба бўлиб, кейинги тадқиқотлар учун ҳам илмий қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

А.Кабилов Сармишсой ёдгорлигини даврлаштиришни шартли равишда бронза даврига оидлигини асослаб қатор далиллар келтиради. Лекин айрим тадқиқотчилар фикрига кўра бу ёдгорлик ёши янада қадимий бўлиши мумкин. Бунинг учун комплекс тадқиқотлар ўтказиш зарурати туғилади.

Сармишсой тасвирларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ва ўттиз йилдан кўпроқ вақт уни тизимли ўрганган ўлкашунос Б.Шалатонин фаолияти диққатга сазовордир. Ўлкашунос Б.Шалатонин 1960 йилдан бошлаб ўз ташаббуси билан фаол Навоий вилояти тарихи, табиати, географиясини тадқиқ эта бошлаган. 1961 йил баҳорида Б.Шалатонин раҳбарлигидан ўқувчи ўлкашунослар томонидан Сармиш дарасида қадимий петроглифларни ўрганалиши ўлка тарихини ўрганишда янги саҳифани очиб берди. Ҳаваскор ўлкашунос олимнинг бу жасорати натижасида Сармишсой тасвирларига бағишланган қатор илмий оммабоп мақолалар республика, вилоят, Навоий шаҳар газеталарида пайдо бўлди. Шунингдек, Б.Шалатониннинг мақолалари Зарафшон воҳаси аҳолисининг турли қатламлари учун ўлка тарихининг янги бир қиррасини очиб берди. Шу даврдан бошлаб Сармишсой қоятош тасвирлари ва вилоятимиздаги бошқа қоятош тасвирларини тизимли равишда ўрганишга киришилди деб ҳисоблаш мумкин.

Қадимият шайдоси ўлкашунос Б.Шалатонин республикаимизнинг таниқли қадимшунос олимлари билан мулоқотда бўлиб, Сармишсой сирлари устида ўттиз йилга яқин иш олиб борди. Унинг қатор илмий оммабоп мақолалари кенг жамоатчилик, олимлар диққатини Сармишсойга қаратди. Унинг барча тадқиқотлари “Қизилқумнинг мингдан бир мўъжизаси” номи билан чоп этилди. Б.Шалатонин қадимги давр тарихини ёритишда, санъат

тарихи ва олимлар орасида мутахассис сифатида тан олиниб, уни илмий тадқиқотчи сифатида билишади. Унинг қатор асарларида, газета ва журналларда эълон қилган мақолаларида Сармишсой қоятош тасвирларининг ноёблиги, бетакрорлиги ва хилма-хиллиги акс эттирилган бўлса, иккинчи томондан бу санъат дурдоналарининг мазмун-моҳияти, ғоясини очиб беришга уринди ва энг асосийси, қоятош тасвирларини ўрганиш, тадқиқ этиш асосида унинг ишланиш услуби, қиёсий тавсифи, даврлаштириш бўйича муаммоли масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилган маҳаллий ўлкашунослардан биринчиси бўлди.

Б.Шалатонин асли касби журналист бўлса-да, шу вақтгача маҳаллий халқ вакиллари, зиёлилар учун фарз бўлган ота-боболар, аجدодлар меросини ўрганиш ва сақлаш ишига ўзи европа миллатининг вакили бўлса-да, шу юртнинг ҳақиқий фарзанди сифатида жасоратли ишга қўл урди. Ўзининг 37 йиллик машаққатли меҳнати, тадқиқи натижаларини “Қизилқумнинг ноёб мўъжизаси” китобида тўплаб чоп этди [5]. Бу китоб ўзининг илмий қиммати билан қоятош тасвирлари тўғрисидаги бошқа таниқли тадқиқотчиларнинг китобларидан қолишмайди. Бу китобда Сармишсой ёдгорлиги кўп қиррали тавсиф қилинган, қоятош тасвирларининг ишланиши, уларнинг қиммати, ноёблиги, санъатшунос-петроглиф тадқиқотчиси нуқтаи назаридан батафсил ёритилган. Кейинги йилларда Сармишсойдаги қоятош суратларини ўрганишда археология, антропология, зоология, геофизика тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда янги, ҳозирги замон фан усулларида фойдаланилган ҳолда тадқиқот олиб борилмоқда.

М.Хўжаназаров Сармишсой қоятош тасвирларини XX асрнинг 60-йиллардан бошлаб ўрганиб келмоқда [6]. Таниқли олим томонидан Сармишсойда илгари маълум бўлмаган 66 та қоятош суратлари аниқланиб, атрофлича ўрганилди. Унинг изланишлари Сармишсой манзилгоҳини ўрганишда олдинга ташланган яна бир қадам бўлди. Ҳозирги кунда Сармишсой меросини авлодларга қолдириш, уни асраб-авайлаш борасида, ЮНЕСКОнинг маданий мероси рўйхатига киритиш масалаларида кўплаб

ишлар олиб бормоқда. Сармишсой нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда дунё фан оламидаги алоҳида ва турли-туман петроглифли қоятош суратларини ўзида жамлаган ноёб тарихий мерос ҳисобланиб, дунё олимлари нигоҳини ўзига ром қилган тарихий объект ҳисобланади.

2004 йилда Халқаро археологик экспедиция Сармишсойни ўрганишга киришди. 2004 йил 9–10 октябрь кунлари Навоий шаҳрида “Сармишсой табиий-тарихий ва маданий меросини асраб авайлаш ва уни ўрганишнинг янги қирралари” мавзусида илмий конференция бўлди. Конференция ишида Япония, Италия, Норвегия, Россия, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонлик мутахассис олимлар; археолог, петроглифист, биолог, эколог, геолог ва экотуризмни ривожлантирувчи мутахассис экспертлар қатнашдилар [7]. Халқаро экспедиция таркибини бундай хилма-хил йўналишдаги тадқиқотчилар билан бойлиги Сармишсой маданий, табиий, тарихий ёдгорлиги нақадар илмий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор кўрсатди. Бу Сармишсойни ўрганишни яна бир босқичга кўтарди. Конференция иши Сармишсой қоятош тасвирларининг таҳлили, сақланиш даражаси каби йўналишларда ўтказилди. Шу ернинг ўзида турли давлатлардан келган мутахассислар ўзаро мулоқот қилиб, бу қоятош тасвирларини сақлаш, асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш борасида тажриба алмашдилар. Сармишсой тасвирларининг ҳозирги ҳолати амалда чуқур текширилди ва уни сақлаб қолиш ҳамда келажак авлодга етказиш вазифалари белгиланиб, қимматли тавсиялар берилди.

Жумладан, бу ноёб тарихий-табиий ёдгорликни давлат муҳофазасига олиш уни “очиқ осмон остидаги музей” деб эълон қилиб, қўриқлашни амалга ошириш ва мунтазам экскурсиялар уюштириб туриш мақсадга мувофиқ деб топилди [8]. Петроглиф баёни ва қоятош тасвирларининг шикастланган қисмларини тиклашларнинг янги методлари тўғрисида фикр алмашилди. Бу йўналишда олимлар атрофлича илмий мунозара қилдилар. Ушбу йўналиш учун самарали қатор янги методлар таклиф қилинди. Топографик образлар ва картографика йўналиши бўйича фикр алмашилди. Қоятош тасвирларга

лишайникларнинг салбий таъсири даражаси, емирилиши, унинг олдини олиш, бартараф этиш методларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди [9].

Сармишсой табиий ва маданий меросини муҳофаза қилиш, ўрганиш мавзусида халқаро илмий конференциялар кейинги йилларда ҳам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 2008 йилда Ўрта Осиёни тадқиқ қилиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти ташаббуси билан республикамиз ва хорижий давлатларнинг ўттиздан ортиқ мутахассиси иштирокида Сармишсой қоятош суратларига бағишланган халқаро илмий конференция яна бир бор ташкил этилди. Унда Зараутсой, Сармишсой каби бебаҳо маданий ёдгорликлар муҳофазаси, улар йўқолиб кетишининг олдини олиш мақсадида тегишли қарорлар ҳам қабул қилинди.

Сармишсой табиий-тарихий ёдгорлиги нафақат Зарафшон воҳаси кўҳна тарихи, балки Ўзбекистон тарихининг муҳим масалаларини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб, у қимматли табиий-тарихий ёдгорлик ва ноёб тарихий манба бўлиб қолади. Бу далил асосда ўлкамизда энг қадимги одамлар яшаган ва ўзига хос маданият яратилган маданий ҳудуд сифатида тан олинади. Суратларнинг асосий қисми Сармишсойнинг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, қолган суратлар эса Қораунғурсой ва Биронсой далаларидаги қоятошларда ўз аксини топган. Қадимий даврдан хабар берувчи ушбу суратларни олимлар ва ўлкашунослар уч тарихий даврга: тош ва бронза даврлари, илк темир даврлари (сак-скиф) ва сўнгги давр расмларга бўлиб ўрганишади.

Сармишсой суратларида асосан қадимги одамлар тасвири билан бир қаторда от, ит, қўй, эчки, туя, олқор, кийик, буқа, ёввойи тўнғизлар тасвирлари ўз аксини топган. Ушбу суратларга назар ташлар экансиз, улар ўша давр одамларининг нафақат қорин тўйғазиш муамммоси ҳақида, балки санъат ва маданиятга ҳам қизиқишлари борлигидан далолат беради.

Сармишсой қоя тасвирлари мазмуни жиҳатидан ҳам турличадир: рақс тушаётган одамлар, от миниб келаётган кишилар, чўпон, ов манзараси ва бошқа суратлар шулар жумласидан. Тасвирларда шубҳасиз, ибтидоий

одамларнинг кундалик ҳаётидан олинган лавҳалар ҳам акс эттирилган. Бундан ташқари, воҳа халқларнинг узоқ ўтмишидаги тарихи, ижтимоий тузуми, маданияти ва диний эътиқодини ўрганишда ҳамда қимматли археологик ёдгорлик, бебаҳо санъат асари сифатида катта илмий аҳамиятга бўлиб, бу қоятошлардаги петроглифлар тарихимизнинг ўлмас ва бетакрор изларидир. Демак бу – она диёримизнинг сирли бир гўшаси, ижтимоий-маданий макони, бебаҳо тарихий ёдгорлиги, муқаддас Ватанимиз тарихидир. Ватан тарихини чуқур билиш, ўрганиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир. Қадимда бу ерда яшаган аҳолининг турмуш тарзи, диний эътиқоди тарихий воқеликнинг жонсиз гувоҳи сифатида қоятош суратларида минг йиллар оша бизгача етиб келганлигининг ўзи бир хазинадир. Бу ерга қўшни қишлоқ ва яқин ҳудудлардан турли манфаат излаб келган юртдошларимиз бу музейга анча катта миқдорда зарар етказган. Қоятошдаги суратлар устига ўз “дастхатлари”ни қолдириб, уларни ўзлари билган ҳолда ўзгартиришга ҳам ҳаракат қилишган. Энг ёмони, бу ердаги кремний гипсли қоратошларни бузиб олиш осон бўлгани учун аёвсиз тарзда қўпориб, қурилиш материали сифатида фойдаланиш ҳаракатида бўлишган. Мустақиллик йилларида бу ҳудуд давлат муҳофазасига олиниб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ота-боболаримиздан мерос қолган ушбу маданий ёдгорликни асраб қолишда янада жиддий ишлар амалга оширилиши керак, яъни уларни асраб-авайлаш, сақлаш, ўчиб кетаётган айрим суратлар ёнида унинг нусхасини чизиш ва эскиларининг асл ҳолатини сақлаган ҳолда унга зарар етказмасдан, суратда техник, косметик ишларни амалга ошириш керак.

Ҳар бир янги авлод моддий ва анъанавий маданият негизини ҳар гал янгидан яратмайди, балки ўтмиш авлодлар томонидан яратилган мавжуд маданий бойликларга таянади. Шундай экан, бу бойликни асраш ва кейинги авлодга етказиш ҳар биримизнинг масъулиятли вазифамиздир. Ушбу тарихий ёдгорлик, ундаги суратлар қайси давр ёки асрга тенг бўлмасин, у биз учун ота-боболаримиздан қолган қимматли археологик маълумот, бебаҳо ва қадрли санъат асари ҳисобланади ҳамда ёшларнинг мустақиллик руҳида

тарбияланишига, меҳнатсевар, мард, эпчил бўлишига, санъат ва маданиятни севишига хизмат қилаверади.

Сармишсой қоятош тасвирларини ҳозиргача Ўзбекистонда маълум бўлган қоятош ёдгорликларининг гултожи, дейиш мумкин. Қоялардаги расмлар галереясини ўтмиш аجدодларимиз томонидан қолдирилган “Зангори осмон остидаги музей” десак муболаға бўлмайди [10]. Туризм ривожига Сармишсой петроглифларининг ишланиш услуби, бу табиий тарихий ёдгорликнинг тавсифини илмий баён қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ҳам қадим юртимизда кўҳна тарихнинг жонсиз гувоҳи бўлган қоятошларга муҳрланган расмларда акс этган ижтимоий-иқтисодий воқеликларни ўрганиш долзарблигини сақлаб, ўз тадқиқотчиларини чорлаб қолмоқда.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Муҳаммаджонов А. “Кармана” ёки “Кармина” топонимининг этимологияси ҳақида // Ўзбекистон тарихи, 1999. – № 2. – Б.68.
2. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 32 - нашри. – Тошкент: Фан, 2001.
3. Знамя дружбы. Сармишсай музей под открытым небом. 2004 г 8 октябрь.
4. Кабиров А., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент, 1976.
5. Шалотонин Б. Тени на скалах. – Тошкент, 1999.
6. Хўжаназаров М. Наскальные изображения Сармишсая. //ОНУ, 1998. – № 4 – 5.
7. Халқаро конференция материаллари. – Навоий, 2004.
8. Халқаро конференция материаллари. – Навоий, 2006.
9. Хўжаназаров М., Реутова М., Тодерич К. Сармишсой петроглиф мажмуасини ўрганиш бўйича илмий анжуман ва дала ишлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2005. – № 1-2.
10. Кабиров А. Сармишсой қоятош тасвирлари. – Тошкент: Фан, 1976.